



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА КОРХОНАЛАРИНИНГ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАРИ

**2018 йил I ярим йиллик**

Тошкент 2018 й.

## МУНДАРИЖА

<b>ИҚТИСОДИЁТДАГИ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ .....</b>	<b>3</b>
<b>ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР БЎЙИЧА СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ .....</b>	<b>11</b>
I. Сўров иштирокчилари таркиби .....	11
II. Ўтган даврда сезилган инфляцияни ўрганиш натижалари .....	12
III. Инфляция сабабларини ўрганиш натижалари .....	15
IV. Инфляцион кутилмаларни ўрганиш натижалари .....	17
V. Аҳолининг харид қобилиятини ўрганиш натижалари .....	20
VI. Аҳолининг жамғариш кайфиятини ўрганиш натижалари	21
VII. Келгусида иқтисодиётда ўзгаришлар кутилмаси бўйича саволлар натижалари .....	22

## ИҚТИСОДИЁТДАГИ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида инфляцион кутилмалар бўйича ўтказилган сўровлар натижаларига кўра иқтисодиётда инфляциянинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан сезилган ва кутилаётган даражаларида пасайиш тенденцияси шаклланиши кузатилди.

Шунингдек, жорий йилнинг II чорагида давлат томонидан маъмурий тартибга солинадиган айрим товар ва хизматлар нархлари (тарифлари)нинг оширилиши ҳамда гўшт ва гуруч каби кундалик истеъмол товарларининг қимматлашиши мазкур даврда сезилган инфляция даражасининг пасайиш суръатининг январь-март ойларидаги кўрсаткичга нисбатан секинлашишига олиб келди.

Ўз навбатида, сезилган инфляция даражасининг пасайиш жисмоний ва юридик шахсларнинг келгусидаги инфляцион кутилмаларини шаклланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Ўрганилган даврда қисқа муддатли истиқболдаги (1 ой) инфляцион кутилмалар индекси динамикасида пасайиш июнь ойигача давом этган бўлсада, узоқ муддатли истиқболда (12 ой) иқтисодиётдаги инфляцион кутилмалар II чорак давомида деярли ўзгаришсиз қолди.

Респондентлар фикрига кўра, узоқ муддатли инфляцион кутилмаларнинг нисбатан юқори даражада сақланиб қолишига келгуси 12 ойда иш хақи ошиши натижасида ялпи талабнинг янада ортиши ҳамда давлат томонидан тартибга солинадиган нархларнинг кўтарилиши каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, сўровда иштирок этган экспертларнинг<sup>1</sup> катта қисми иқтисодиётда узоқ муддатли инфляцион кутилма юқорилигини билдиришди.

<sup>1</sup> Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий жараёнлар ва ислохотлар, хусусан олиб борилаётган пул-кредит сиёсати бўйича мутахассис фикрларини ўрганиш мақсадида Марказий банк томонидан илмий-тадқиқот, олий-таълим, тадбиркорлик ва консалтинг соҳалари вакилларида экспертлар гуруҳи ташкил этилди ва жорий йилнинг II чорагида саволнома ва сўров усуллари орқали уларнинг фикрини ўрганишнинг дастлабки босқичи амалга оширилди.

## Сезилган инфляция


Аҳоли томонидан сезилган қисқа муддатли инфляция индекси<sup>2</sup> 2017 йилнинг охирида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кескин ошиши таъсирида, жорий йилнинг январь ва февраль ойларида, юқори даражада қайд этилиб, 692 ва 619 га тенг бўлди (1-расм). Яъни, респондентлар жавобларининг баланслаштирилган ўртачаси мазкур ойларда сезилган инфляция мос равишда улардан аввалги ойлардаги даражада бўлганини кўрсатди.

Март ойида сезилган инфляция индекси ўтган ойга нисбатан кескин (25 фоизга) пасайди.

Жорий йилнинг II чорагида электр энергияси ва табиий газ тўловлари оширилиши сезилган инфляция кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатиб, индексни бироз кўтарилишига ва кейинги ойларда унинг пасайишини секинлашишига олиб келди. Март-июнь ойларини баланслашган индекслари мос равишда улардан аввалги ойларда аҳоли учун нархлар бироз ошгани сезилганлигини кўрсатди.

1-расм

### 2018 йил биринчи ярим йиллиги давомида сезилган инфляция индекси динамикаси



Сўровда иштирок этган аҳолининг охириги 12 ой давомида нархларнинг ўсиши ўртача 26 фоиздан юқори даражада бўлди деган қисми январь ойида 48 фоизни ташкил қилган бўлса, уларнинг улуши

<sup>2</sup> Сезилган инфляция индекси – сезилган инфляция даражасини аниқлаш бўйича берилган саволга респондентлар томонидан белгиланган барча жавобларнинг баланслаштириш усули орқали умумлаштирилган кўрсаткичи. Индекс диапазони 0 дан 1000 гача.

ойма-ой қисқариб бориб июнь ҳолатига 28 фоизга тенг бўлди. Ўз навбатида, нархларнинг ўсиши ўртача 16 фоиздан паст даражада бўлди деган қисми январь ойида 29 фоизни ташкил этиб, июнь ойига келиб 44 фоизгача кўтарилди (8-расм).

Шу билан бирга, сўровда иштирок этган жисмоний шахслар “қайси асосий товар ва хизматларнинг нархи юқори даражада ошди” саволига I чорак давомида асосан озиқ-овқат маҳсулотларини: мол гўшти, қўй гўшти, олма, помидор ва бодрингни кўрсатган бўлсалар, II чорак давомида эса озиқ-овқат маҳсулотларидан – мол гўшти, қўй гўшти ва гуруч, ноозиқ-овқат товарлардан – цемент, хизматлардан – электр энергияси ва табиий газ таъминоти тарифларини белгилаганлар (11-расм).

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан сезилган қисқа муддатли ойлик инфляция даражаси, бензин ва қурилиш моллари нархлари ошиши ҳамда айрим тоифадаги ишлаб чиқарувчилар учун электр энергияси ва газ тўловлари учун янги тарифларнинг жорий этилиши натижасида, январ ойида аҳолиникидан биров юқори даражада қайд этилиб, 704 га тенг бўлди.

Жорий йилнинг II чорагида ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодиётдаги юқори нархларга мослашиши кузатилди.

Хусусан, июнь ойига келиб юридик шахслар жавобларининг баланслашган индекси йил бошига нисбатан қарийб 2 баробарга пасайиб, июнь ойида 388 га тенг бўлди ва бу аввалги ойда нархлар ўзгармаган деган хулосани беради.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан охириги 12 ой давомида нархларнинг ўсиши ўртача 26 фоиздан юқори даражада бўлди деб ҳисоблаганлар улуши январь ойида 44 фоизга тенг бўлган бўлса, июнь ойига келиб уларнинг улуши 18 фоизга тушди. Ўз навбатида, нархларнинг ўсиши ўртача 16 фоиздан паст даражада бўлди деган қисми январь ойида 30 фоизни ташкил этган бўлса, июнь ҳолатига 56 фоизни қайд этди (10-расм).

Бу ўз навбатида тадбиркорлик субъектлари учун иқтисодиётда йиллик инфляция даражаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан босқичма босқич пасайиш тенденцияси шаклланиб бораётганлигини англатади.

Сўровда юридик шахслардан ишлаб чиқараётган маҳсулот ва кўрсатаётган хизматларини таннархи ошишига қайси омиллар юқори даражада таъсир кўрсатгани сўралганда I чорақда асосан бензин, табиий газ, хом ашёлар нархлари ошиши ва ўтган йилги доллар алмашуви курси ўзгаришини қайд этган бўлсалар, II чорақда асосан электр энергияси, хом ашёлар, табиий газ нархлари ва транспорт харажатлари ошганини билдириб, алмашув курси таъсирининг кескин пасайганлигини қайд этдилар (13-расм).


Шунингдек, сўровда иштирок этган экспертларнинг 73 фоизи охириги ойда нархлар мўтадил бўлганлигини билдиришганлигига қарамасдан, уларнинг 91 фоизи йиллик сезилган инфляция даражаси 17 фоиздан юқори бўлганлигини эътироф этишди.

### Инфляция кутилмалар

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг келгусидаги инфляция кутилмалари индекслари<sup>3</sup> динамикасида ҳам пасайиш тенденцияси кузатилди.

2-расм

#### Келгуси қисқа муддатли инфляция кутилмалари индекси динамикаси



<sup>3</sup> Инфляция кутилмалар индекси – келгусида кутилаётган инфляция даражасини аниқлаш бўйича берилган саволларга респондентлар томонидан белгиланган барча жавобларнинг баланслаштириш усули орқали умумлаштирилган кўрсаткичи. Индекс диапазони 0 дан 1000 гача.

Қайд этиш жоизки, жорий йилнинг январь ва февраль ойларида аҳоли ва юридик шахсларнинг инфляцион кутилмалари нисбатан юқори бўлиб, март-июнь ойларида босқичма босқич пасайиб борди.

Хусусан, йил бошида аҳоли ва юридик шахсларнинг қисқа муддатли инфляцион кутилмалар индекси мос равишда 594 ва 566 га тенг бўлган бўлса, июнь ойи ҳолатига 386 ва 363 ни ташкил этди (2-расм).


Ушбу ҳолат, жорий йилнинг II чорагига келиб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг қисқа муддатли инфляцион кутилмалари ижобийлашганини кўрсатиб, уларнинг аксарияти нархлар барқарор сақланиб қолишини кутганлигини англатади.

Бироқ, қисқа муддатли инфляцион кутилмалар пасайиб боришига қарамадан, келгуси 12 ойлик кутилмалар нисбатан юқори даражада сақланиб қолган. Бу борада аҳолининг кутилмалари тадбиркорлик субъектлариникидан кўра сезиларли даражада юқори.

Жисмоний шахсларнинг келгуси 12 ойлик инфляцион кутилмалари индекси жорий йил биринчи ярим йиллигида фақатгина март ва апрелда ойма-ой 10 ва 9 фоизга пасайган бўлса, кейинги ойларида деярли ўзгаришсиз сақланиб қолди (3-расм).

3-расм

### Келгуси 12 ойлик инфляцион кутилмалари индекси динамикаси



Шунингдек, юридик шахсларнинг 12 ойлик инфляцион кутилмалари индекси йил бошида юқори даражада қайд этилиб, жавобларнинг баланслашган ўртачаси нархлар аввалги 12 ой даражасида ошишини кўрсатди.

Бироқ, жорий йилнинг II чорагида кутилмаларни сезиларли пасайиши кузатилди ва кутилмалар индекси 480 атрофида бўлди. Бу эса, ўз навбатида тадбиркорларнинг келгусида нархлар аввалги 12 ойга нисбатан камроқ ошишини кутаётганлигини кўрсатади.

“Келгуси 12 ой давомида нархлар айнан қанчага ошади” саволига аҳолининг 26 фоиздан юқори даражада ошади деган қисми январь ойида 27 фоизни ташкил қилган бўлса, июнь ҳолатига уларнинг улуши 14 фоизга тенг бўлди. Нархларнинг ўсиши ўртача 16 фоиздан паст даражада бўлади деган қисми январь ойида 43 фоизни ташкил этган бўлса, июнь ойига келиб 55 фоизга тенг бўлди (17-расм).

Ушбу саволга юридик шахсларнинг келгуси 12 ойда нархлар 26 фоиздан юқори даражада ошади деган қисми январда **22** фоиздан июнга келиб **9** фоизгача пасайди. Нархлар 16 фоздан камроқ ошишини кутаётганлар улуши эса январь ойида **49** фоиздан июнда **72** фоизгача кўпайди. Бу ўз навбатида, юридик шахсларнинг узоқ муддатли инфляцион кутилмалари жисмоний шахсларникидан пастроқлигини англатади.

Шу билан бирга, қисқа муддатли кутилмалар бўйича экспертларнинг фикри ҳам аҳоли ва тадбиркорлик субъектлариникига мос бўлди. Аммо узоқ муддатли кутилмалар бўйича экспертларнинг катта қисми нархлар ошиш суръати ўтган 12 ой даражасида ёки ундан ҳам юқори бўлишини қайд этдилар.

Экспертлар келгусидаги инфляцияни ошишига таъсир этувчи асосий сабаблар сифатида имтиёзли кредитлар ҳажмининг тез суръатда ошиши ва уларнинг қайтарилиши бўйича муаммолар юзага келиши эҳтимоли юқорилиги, куз фаслида давлат томонидан маъмурий тартибга солинадиган товар ва хизматлар нархлари оширилиши кутилаётганлиги, қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг нисбатан секинлиги ҳамда товар бозорларида монополия даражаси юқорилиги каби омилларни келтирган.



## ***Иқтисодиётдаги кутилмалар***

Аҳолининг харид қобилиятини ўрганиш натижаларига кўра 2018 йилнинг биринчи ярмида уларнинг даромадлари ва нархлар ўртасидаги мутаносибликда жиддий ўзгаришлар кузатилмади. Ўрганилаётган давр мобайнида респондентларнинг аксарияти (65 фоиз атрофи) аввалги 12 ой давомида нархлар ошиши суръати даромадларникига нисбатан юқори даражада бўлганини қайд этди (20-расм).

Шунингдек, келгуси 12 ой давомидаги кутилаётган даромадлар ва нархлар ўзгариши ўртасидаги муносабатларда ҳам умидсизлик кайфияти кузатилган бўлиб, сўровда иштирок этганларнинг деярли ярми даромадлар ошиши нархлар кўтарилишидан паст даражада бўлишини кутмоқда (21-расм).

Юридик шахслардан келгуси 12 ойда иш ҳақи ошиши бўйича кутилмалари ўрганилганда уларнинг аксарияти 10-20 фоиз оралиғида ошишини кўрсатган. 20 фоиздан юқори даражада ошишини билдирган тадбиркорлар улуши январда 29 фоизни ташкил этиб, июнда 22 фоизгача тушди. Иш ҳақи ошиши 10 фоиздан паст бўлишини қайд этганлар улуши январда 20 фоиздан июнга келиб 23 фоизгача кўтарилди (24-расм).

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар аҳолининг жамғариш кайфиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Сўровда иштирок этган жисмоний шахсларнинг 50 фоиздан ортиғи жамғармаларни тадбиркорликка ишлатиш истагидалигини билдирган (22-расм).

Кузатиш даврида миллий валюта жозибadorлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳолининг жамғариш кайфиятига ижобий таъсир кўрсатаётганлиги маълум бўлди.

Хусусан, йил бошида жамғармаларини сўмда сақлашни мақул кўрганлар улуши 44 фоизга тенг бўлган бўлса II чорак охирига келиб уларнинг улуши 53 фоизга кўтарилди, АҚШ доллариди жамғаришни маъқуллаганлар улуши эса январдаги 33 фоиздан июнь ойида 22 фоизгача тушди (23-расм).

Шунингдек, охириги ойлар давомида миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курсининг пасайиб бориши

респондентларнинг келгуси ойда сўмнинг қадри мустақамланишига бўлган ишончини ортишига сабаб бўлди.

Жумладан, жорий йилнинг III чорак охирида миллий валюта алмашув курси 7800 сўмдан паст даражада бўлишини кутаётган аҳолининг улуши 48 фоизни ва тадбиркорлик субъектларининг улуши 52 фоизни ташкил этди. Сўровда иштирок этган жисмоний шахсларнинг 29 фоизи ва юридик шахсларнинг 38 фоизи эса сентябрь охирида миллий валюта алмашуви курси 7800-8000 сўм оралиғида бўлишини кутаётганликларини билдиришган (26-расм).

Шунингдек, жорий йил охирида миллий валюта алмашув курсини киймати 7800 сўмдан паст даражада бўлишини кутаётган аҳолининг улуши 52 фоизга ва тадбиркорлик субъектларининг улуши 63 фоизга тенг бўлди. Сўровда иштирок этган жисмоний шахсларнинг 19 фоизи ва юридик шахсларнинг 13 фоизи йил охирида алмашув курси 8000 сўмдан юқори бўлишини эътироф этишди (26-расм).

Сўровда иштирок этган экспертларнинг 91 фоизи III чорак охирида миллий валюта алмашув курси 8000 сўмдан паст бўлишини қайд этди.

Мазкур даврда сўров иштирокчиларининг келгуси 12 ойда мамлакат иқтисодиёти ўзгариши бўйича фикрлари ижобий томонга ўзгариб борди.

Хусусан, йил бошида респондентларнинг 72 фоизи келгуси 12 ойда иқтисодиёт яхшиланишини кутган бўлса, биринчи ярим йиллик якунлари бўйича уларнинг улуши 86 фоизга тенг бўлди (27-расм).

Шунингдек, экспертларнинг аксарияти ҳам мамлакат иқтисодиётини келгуси 12 ой давомида яхшиланишини кутаётганликларини билдиришди.

## ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР БЎЙИЧА СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ


<b>Усул</b>	Ўзбекистон аҳолиси ва тадбиркорлик субъектлари орасида стандартлаштирилган юзма-юз сўров
<b>Жами иштирокчилар</b>	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида жами 750 нафар жисмоний шахслар ва 300 та юридик шахслар
<b>Даврийлиги</b>	Ҳар ой
<b>Сўров ўтказилган муддат</b>	2018 йил январь - июнь

## I. Сўров иштирокчилари таркиби


4-расм

## Сўров респондентларининг фаолият соҳаси (фоизда)

## а) жисмоний шахслар



## б) юридик шахслар




## II. Ўтган даврда сезилган инфляцияни ўрганиш натижалари

### Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўровлар натижалари

5-расм

#### **Нима деб ўйлайсиз ўтган ойда нархлар ўзгардими?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



6-расм

#### **Сизнингча охириги 3 ойда нархлар ўзгардими?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



7-расм

**Нима деб ўйлайсиз охириги 12 ойда нархлар қандай ўзгарди?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



8-расм

**Сизнинг фикрингизча, охириги 12 ойда нархлар қанчага ошди?**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




**Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари**

9-расм

**Нима деб ўйлайсиз ўтган ойда нархлар ўзгардими?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



10-расм

**Сизнинг фикрингизча, охириги 12 ойда нархлар қанчага ошди?**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




### III. Инфляция сабабларини ўрганиш натижалари

#### Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

11-расм

**Сизнинг кузатишларингиз бўйича қайси асосий товар ва хизматларнинг нархи охири ойда юқори даражада ошди?**

Ушбу саволда респондентлар бир нечта маҳсулотни танлаш имкониятига эга



### Нима деб ўйлайсиз охириги 12 ойда нархларнинг тезроқ ошишига нима сабаб бўлмоқда?


Ушбу саволда респондентлар бир нечта омилни танлаш имкониятига эга



### Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

### Сизнинг кузатишларингиз бўйича маҳсулотингиз (хизматингиз) таннархи ошишига таъсир кўрсатувчи қайси омиллар охириги ойда юқори даражада ошди (ўзгарди)?

Ушбу саволда респондентлар бир нечта омилни танлаш имкониятига эга






## IV. Инфляцион кутилмаларни ўрганиш натижалари

### Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

14-расм

**Нима деб ўйлайсиз келгуси ойда нархлар қандай ўзгариши мумкин?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



15-расм

**Сизнингча келгуси 3 ойда нархлар қандай ўзгариши мумкин?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



16-расм

**Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда умуман олганда нархлар қандай ўзгаради?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




17-расм

**Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда нархлар айнан қанчага ошади?**

а) жисмоний шахслар



б) юридик шахслар




**Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари**

18-расм

**Сизнингча келгуси ойда нархлар қандай ўзгариши мумкин?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



19-расм

**Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда нархлар қандай ўзгаради?**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




## V. Аҳолининг харид қобилиятини ўрганиш натижалари

20-расм

**Қуйида айтилганларнинг қайси бири охирги 12 ойда Сизнинг даромадларингиз ва нархлар ўзгариши ўртасидаги муносабатларга кўпроқ мос тушади?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



21-расм

**Нима деб ўйлайсиз келгуси 12 ойда Сизнинг даромадларингиз ва нархлар ўртасидаги муносабати қандай бўлади?**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




## VI. Аҳолининг жамғариш кайфиятини ўрганиш натижалари

22-расм

**Агар Сизда жамғармангиз бўлганда (ёки ҳозир бор) уни қандай ишлатишни хоҳлаган бўлардингиз?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



23-расм

**Нима деб ўйлайсиз ҳозирги пайтда жамғармани қанақа шаклда сақлаган мақул?**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




## VII. Келгусида иқтисодиётда ўзгаришлар кутилмаси бўйича саволлар натижалари

### Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

24-расм

Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда иш ҳақи қандай ўзгаради?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



25-расм

Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда тижорат банкларининг кредитлари ставкаси қандай ўзгаради?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




**Сизнинг фикрингизча келгуси чорак охирида (2018 йил сентябрь охирида) сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси қанча бўлади?**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши

а) жисмоний шахслар

б) юридик шахслар



**Нима деб ўйлайсиз келгуси 12 ойда мамлакат иқтисодиёти яхшиланадими ёки ёмонлашадими?**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши

